

Ҳамюртимиз Қуръон мусобақасида муваффақиятли иштирок этди



11:05 / 02.11.2023 1629

Шу йил 1 ноябрь куни Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган халқаро Қуръон мусобақасида Имом Бухорий номли Тошкент ислом институти талабаси Сирожиддин қори Жалилов ҳифз йўналишида ҳайъат аъзолари томонидан берилган жами 5 та саволга чиройли ва хатосиз тартиб билан тиловат қилиб бериб, муваффақиятли иштирок этди.

Аллоҳ таоло ҳамюртимиз Сирожиддин қори Жалиловнинг илмини янада зиёда, зеҳнини бунданда ўткир қилсин!